

ШАРТНОМА № 40

Наманган шаҳар

« 25» ноябрь 2022 йил

Узининг низоми асосида иш курувчи кейинчалик «Хизмат курсатувчи» деб юритилувчи «LION COLOURS» хусусий корхонаси номидан раҳбар **Р. Тожибоев** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш курувчи, кейинчалик «Буюртмачи» деб юритилувчи «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ Наманган вилояти филиали номидан раҳбар **А.Миркамалов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тугрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ ВА НАРХИ

- 1.1. "Хизмат курсатувчи" "Буюртмачи" га шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида кенг форматли пано ва ҳар хил турдаги реклама маҳсулотларини тайёрлаш хизматини курсатади. Буюртмачи курсатилган хизматлар учун тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Маҳсулот номи (иш, хизмат тури)	Улчов бирлиги	Микдори	нарни	суммаси
Компания логотипи акс этган бўртма харфли реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш	хизмат	1	82 200 000	82 200 000
Жами				82 200 000

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси **саксон икки миллион икки юз минг** сумни ташкил этади.

2.2 "Буюртмачи" курсатиладиган хизматлар учун амалдаги қонунчиликда курсатилган микдордан кам бўлмаган, яъни **50** фоиз аванс туловини олдиндан, **50** фоизини хизмат курсатилгандан сунг "Хизмат курсатувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3 "Хизмат курсатувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро қелишувига мувофиқ белгиланган микдорда ва аванс туловидан сунг 15 кун муддатда «Буюртмачи»га хизмат курсатиб беради.

2.4 "Буюртмачи" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда ўзил-қесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5 Курсатилган хизматлар учун пул ўтказиш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 "Буюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Хизмат курсатувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Хизмат курсатувчи» томонидан белгиланган хизматларни бажариш жараёнида ҳосил бўладиган маҳсулотларни «Буюртмачи»га транспортда ташишганда «Хизмат курсатувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Хизмат курсатувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманоага мувофиқ тегишли сифатдаги хизматларни бажарилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини

«Хизмат курсатувчи» дан талаб қилиш ўз буюртманомаси бўйича бажариладиган хизматларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2 "Хизмат курсатувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга: Бажариладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда ўзил-қесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш; "Буюртмачи"га хизматларни мазкур шартномага мувофиқ «Буюртмачи» буюртманомасига мувофиқ белгиланган муддатда сифатли қилиб етказиб бериш.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда бажарилган хизматларни қабул қилишни рад этишга ҳақдидир.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматларни бажариш кечиктирилган ёки тулик, бажарилмаган тақдирда "Хизмат курсатувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган ҳом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматларни бажариш муддати кечиктирилиши ёки тулик бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Бажарилган хизматлари учун ўз вақтида ҳақ туланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат курсатувчига"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ, бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ, бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаш, сел қилиш қаби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча қилишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Хизмат курсатувчи» томонидан тасдиқланиб газначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг қўчга қиради ва 2022 йил «31» декабр қадар амал қилади.

8.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тўғалланган тақдирда тўхтатилади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг қилишувига қўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Хизмат қўрсатувчи»

«LION COLOURS» х/к

Наманган ш. маргилон қўча 8 уй

Х/Р 20208000804922550001

АҚВ "Infin bank" Наманган филиали

МФО 01113 ИНН 302041841

ОКОНХ 18120 Тел: 99894 500-20-82

Раҳбар
М.Ў.



Р. Тожибоев

«Буюртмачи»

«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ Наманган филиали

Манзил: Наманган ш., Б.Машраб қўча, 3-уй
тел: 227-16-41, факс: 227-31-63, 223-17-17

х/р: 2 0 2 1 6 0 00 900598682052

Наманган Миллий банк

МФО: 00222 СТИР: 201222058

ОКОНХ: 9 6 2 1 0

Директор
М.Ў.



А. Миркамалов